

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА



LexUZ шарҳи

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунини жорий этиш тартиби ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги 658-ХП-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади.

1. Санитария нормаларига, қоидаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаганлиги ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар ўтказмаганлиги натижасида кишилар соғлиғига етказилган зарарни, шунингдек, санитария қонунларини бузганлиги учун диагностика, даволаш ва профилактика ишларига кетган харажатларни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалардан ва алоҳида фуқаролардан ундириб олиш тартиби ҳақидаги **Низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳозирги вақтдаги давлат санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини қатъий белгилаб берувчи санитария нормалари, қоидалари, гигиена нормативлари ва бошқа актларни 1992-1993 йилларда қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати ҳақида»ги **Қонунига** биноан 1992 йилнинг декабрида белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуасини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари ўртоқ М. Қорабоевга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. МУТАЛОВ

Тошкент ш.,
1992 йил 9 декабрь,
571-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
1992 йил 9 декабрдаги 571-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Санитария нормаларига, қоидаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаганлиги ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар ўтказмаганлиги натижасида кишилар соғлиғига етказилган зарарни, шунингдек санитария қонунларини бузганлиги учун диагностика, даволаш ва профилактика ишларига кетган харажатларни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалардан ва алоҳида фуқаролардан ундириб олиш тартиби ҳақида

НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати ҳақида»ги Қонунининг 2, 6 ва 31-моддаларига асосан санитария нормалари, қоидаларига ва гигиена нормативларига

риоя қилмаслик, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказмаслик натижасида одам ва аҳоли гуруҳлари соғлиғига зарар келтириб, улар касалланган ва захарланган ҳолларда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва айрим фуқаролар диагностика қилиш, даволаш учун ҳамда эпидемияга қарши кўрилган чора-тадбирларга кетган харажатларни тўлашга мажбурдирлар.

2. Соғлиққа етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талабнома соғлиғини йўқотган шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан, шунингдек зарур ҳолларда бевосита ҳудудий давлат санитария-эпидемиология хизмати ташкилотларининг раҳбарлари томонидан тақдим этилади.

3. Инсон саломатлиғига зарарли таъсир этувчи ҳамда унга касаллик келтириши мумкин бўлган омиллар қуйидагилардир:

атроф-муҳитни Ўзбекистон Республикаси учун тасдиқланган санитария нормалари ва гигиена нормативларидан юқори кўрсаткичга эга бўлган чиқиндилар, оқова сувлар ва нуруланиш (жумладан, радиоактив)нинг ҳавони, сув манбаларини, ерни кимёвий, физикавий, биологик ифлослантириши;

санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативларига риоя қилмай тайёрланган ва сотилган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюмлари;

аҳолининг турмуши, дам олиши, тарбияланиши, ўқиши ва даволанишини ташкил этиш ва ўтказиш, ҳудудларни, иншоотларни, биноларни асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини сақлаш борасида санитария қонунларининг, санитария норма ва қоидалари, гигиена нормативларининг бузилиши;

4. Инсон ёки аҳоли гуруҳи саломатлиғига етказилган зарарни ундириб олиш учун атроф-муҳитнинг саломатлик учун бевосита зарарли таъсир этувчи омиллари натижасида ҳозирги пайтда ёки олдин касалланганлиги ҳақидаги тиббий муассасанинг эксперт хулосаси асос бўлади. Бундай ҳолларда киши саломатлиғига зарар етказган томон озор кўрган киши олдида моддий жавобгардир ва диагностика, даволаш ва эпидемияга қарши ўтказилган чора-тадбирлар харажати тўлайди.

5. Саломатликка етказилган моддий зарарни ундириб олиш қуйидаги тартибда белгиланади:

а) корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларга тиббий эксперт хулосаси тақдим этилгач, киши саломатлиғига етказилган зарар ундирилади.

Озор кўрган кишининг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига (ВМЭК хулосаси бўйича) қараб унинг йўқотган ёки камайган ойлик маошига нисбатан фоизлар ҳисобида зарарни ундириш миқдори белгиланади. Белгиланган маблағ озор етган кишига унинг меҳнат қобилиятини йўқотган даврида ҳар ойда тўлаб борилади.

Доимий тўловдан ташқари, айбдор томон қўшимча равишда санатория-курортларда даволанишга (йўлланма ва санаторияга бориб-келиш ҳақлари), беморга ёрдам берувчи кишига, ногиронлик транспорт сотиб олишга (соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ташкилотлари хулосаларига кўра) товон тўлаб туради;

озор етган киши саломатлиғига зарар етказилганлиги оқибатида вафот этган тақдирда зарарни ундириш ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган тартибда белгиланади;

б) саломатликка зарар келтирган корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмалар даволаш-профилактика муассасаларига, санитария-эпидемиология станцияларига етказилган зарарни ҳам тўлашга мажбурдирлар, булар қуйидаги харажатлардир;

жабрланувчиларни диагностика қилиш ва озор етганларни даволашнинг барча турларига харажатлар;

профилактика тадбирларининг барча турларига кетган харажатлар (юқумли касалликлар қайд қилинганда, озор етганларни ва улар билан алоқада бўлган кишиларни аниқлаш, касалхонага ётқизиш, дезинфекция, дезактивация, дегазация ишларининг ҳамма турлари, лаборатория тадқиқотлари ўтказиш, атроф-муҳитни ифлослантирганлиги ҳамда саломатлик учун зарарли бўлган ва касаллик келтириб чиқарган омиллар, иммунопрофилактик препаратларни сотиб олиш ва ишлатиш).

6. Корхона, муассаса, ташкилот, бирлашма ва айрим фуқаролар келтирилган зарарни тўлашдан бош тортган тақдирда даъво белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади.

7. Етказилган зарарни тўлаш, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларни, айрим фуқароларни кишилар саломатлигига зарар етказганликлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, шунингдек санитария нормалари ва қоидалари ҳамда гигиена нормативларига риоя қилиш ҳақидаги талабларни амалдаги қонунга кўра бажаришдан озод этмайди.

8. Корхона, муассаса, ташкилот, бирлашмалар саломатликка зарар етказилганлик учун товон тариқасидаги молия маблағларини бевосита озор етган кишига тўлайдилар, даволаш, диагностика, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ўтказилган чора-тадбирлар учун эса вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасининг эпидемия жамғармасига ўтказадилар.

Тўлаш муддати ўтиб кетган тақдирда ҳар бир ўтган кун учун 1 фоиздан жарима белгиланади.